

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БАЛГАЕВА ШАХИДА АБДИСАМАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДА ЛАНДШАФТ
АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ**

**18.00.02–Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси.
Бино ва иншоотлар архитектураси**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on architecture**

Балгаева Шахида Абдисаматовна

Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасини шакллантириш ва
ривожлантиришнинг устувор тамойиллари.....5

Балгаева Шахида Абдисаматовна

Приоритетные принципы формирования и развития ландшафтной
архитектуры в селах Узбекистана.....22

Balgaeva Shakhida Abdisamatovna

Priority principles of formation and development of landscape architecture in the
rural areas of Uzbekistan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БАЛГАЕВА ШАХИДА АБДИСАМАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДА ЛАНДШАФТ
АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРИ**

**18.00.02–Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси.
Био ва иншоотлар архитектураси**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/A3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация втореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб – саҳифанинг <http://www/taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgankengashlar/avtoref.html> ҳамда “ZIYONET” ахборот–таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уралов Аҳтам Синдарович

меъморчилик фанлари доктори, СамДАҚИ профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Расмий оппонентлар:

Юсупова Мавлуда Аминжоновна

архитектура доктори, профессор

Иноғомов Бахтиёр Исмоилович

архитектура номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ

бош лойиҳа-кидирув институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура–қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “___” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13уй. Бош ўқув биноси, Катта мажлислар зали. Тел:(99871) 234-11-37, факс: (99871) 241-13-90, Web: www.Taqi.uz, E-Mail: info@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура–қурилиш институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13уй, тел: (99871) 234-11-37)

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____ кунни тарқатилган.
(2017 йил “___” _____даги ___рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Аҳмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, арх.ф.д., профессор

Т.Ш.Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, арх.ф.н.

Т.А.Ҳидоятлов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг илғор мамлакатларида архитектура ўзининг атроф-муҳитини ташкил этувчи, архитектурани табиат билан узвий уйғунлаштирувчи, аҳолининг рекреацион эҳтиёжларини қондирувчи, очиқ муҳитлар архитектурасини яратувчи экологик самарадор йўналиш-ландшафт архитектураси фаол ривожланмоқда. Ушбу истиқболли йўналиш нафақат шаҳарларни, балки қишлоқларни ҳам қамраб олмақда. Ҳозирда жаҳон шаҳарсозлигида қишлоқ қурилиши ва ландшафт архитектурасини шакллантириш тажрибаларига асосланган устувор тамойилларини тадқиқ қилиш ва бунда миллий анъаналарга эътибор бериш эҳтиёжи туғилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз қишлоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда республика қишлоқларида замон талабига мос намунавий уй-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа иншоотларнинг юзага келиши замонавий қишлоқ меъморчилигининг комплекс тарзда ривожланишидан далолат бермоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда қишлоқ қиёфасини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналадиган қишлоқ ландшафт архитектурасини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. “Якуний мақсад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шарт-шароит яратиб беришдир”¹. Бу борада қишлоқлар қурилиши эстетикасини янада такомиллаштириш, қишлоқ меъморчилиги, ландшафт архитектураси ва дизайнини ўзаро уйғунлаштириш йўллари кўрсатиб бериш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларда ландшафт дизайни, қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш ишлари эстетик савиясини такомиллаштиришда ушбу соҳадаги меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли шакллантирилмаганлиги, қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва устувор тамойиллари илмий жиҳатдан комплекс ўрганилмаганлиги натижасида бир қатор муаммолар юзага чиқмоқда. Қишлоқ ландшафтлари архитектурасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг шаҳарсозлик, архитектура ва ландшафт ечимлари сифатини оширишга йўналтирилган шаҳарсозлик талаблари ва қоидаларининг ишлаб чиқилмаганлиги шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги 322-сонли “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомил-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 11 январь, 2017 йил. -Б.3.

лаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2013 йил 13 августдаги 223-сонли “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламлаштиришга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, қишлоқларда ландшафт архитектурасини замон талаблари даражасига кўтариш, қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, уларда ландшафт режалаштириш, ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш ва ривожлантиришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг XIV.“Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик ҳавфсизлиги ва қурилиш (аҳоли яшаш жойларининг самарали меъморий–лойиҳавий ечимлари)” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда қишлоқларда турар жой қурилиши, архитектураси ва шаҳарсозлик режалаштиришга бағишланган бир қатор илмий ишлар юзага келди. Бу соҳада Республикада танилган етук мутахассис олимлар М.Қ.Аҳмедов², Ш.Д. Ачилов³, А.В.Ветлугина⁴, А.А. Маҳкамов⁵, К.М. Мирзааҳмедова⁶, В.И. Немировский⁷, Д.А. Нозилов⁸, Ҳ.А. Салахудинов⁶, Х.К.Турсунов⁹, Т.А.Хидоятлов, М.У. Умаров¹⁰, А.С. Уралов¹¹ларнинг қатор лойиҳа ва илмий ишлари катта аҳамиятга эга. Мазкур илмий ишларда Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистон қишлоқларида турар жой бинолари архитектурасининг типологияси, уларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича йиғилган илғор тажрибалар, шунингдек халқ меъморчилигидаги анъаналар, турар жой биноларининг иқлим шароити ҳар хил бўлган туманлар бўйича янги замонавий типларни яратиш, уларнинг меъморий ва функционал ечимларини, ҳажм-режавий параметрларини такомиллаштиришга бағишланган қатор амалий таклифлар берилган.

² Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Т.: 1996.

³ Ачилов Ш.Д. Архитектурно–планировочная организация сельских поселков Узбекистана. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992.

⁴ Ветлугина А.В. Функционально–планировочная организация малых городов–структурных элементов территориальных градостроительных систем Узбекистана. Автореферат дисс. канд.арх. –Т.: 2011. стр.22

⁵ Маҳкамов А.А. Сельские жилые дома юга страны. –М.: Стройиздат, 1984

⁶ Мирзааҳмедова К.М., Салахудинов Х.А. Развитие архитектуры села в Узбекистане. –Архитектура и строительство Узбекистана, 1984, № 9, стр 24-28.

⁷ Немировский В.И. Архитектура села: альтернативы перестройки.–Архитектура и строительство Узбекистана, 1988, № 2, стр 1-3.

⁸ Нозилов Д.А. Чорбоғ. –Т.: 1998.

⁹ Турсунов Х.К. Формирование архитектурно–планировочной структуры райцентров в перспективных системах расселения (на примере орошаемых районов Узбекистана). Автореферат дисс. канд.арх.– Ленинград: 1973.

¹⁰ Умаров М.У. Градостроительные аспекты развития сельских населенных пунктов в системе расселения Узбекистана. Автореферат дисс. канд.арх. –Т.: 2010, стр. 26.

¹¹ Уралов А.С., Нозилов Д.А. Қишлоқ уйлари режалаштириш ва қуриш асослари. –Т.: Ўзбекистон, 1994.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектураси, уларнинг ҳудудларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштириш масалаларига бағишланган бир қатор илмий адабиётлар мавжуд. В.В. Артеменко¹², И.А. Виншу¹³, В.П. Грязева¹⁴, О.К. Гурулев¹⁵, А.В. Иконников¹², Г.И. Искрижицкий¹², М.Ф.Киреева¹⁴, Г.П.Майков¹⁶ларнинг асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон шаҳарлари ва қишлоқларини кўкаламзорлаштириш масалалари устида И.Э. Кузьмичев¹⁷, В.П. Печеницын¹⁷, О.И. Подольская¹⁸, Т.И. Славкина¹⁸, А.К. Қайимов¹⁹лар ишлаган. Ўзбекистонда ландшафт архитектураси ва унинг дизайни, боғ-паркчилик санъати тарихи ва уларни ривожлантириш соҳасида ишлаган ва ишлаб келаётганлар сафида Л.А.Адилова²⁰, У.Алимов²¹, Ш.Д.Асқаров²², Х.Х.Камилова²³, Г.А.Пугаченкова²⁴, К.Д. Рахимов²⁵, К.Д. Саттарова²³, Т.Ш.Маматмусаев²⁶, М.А.Юсупова²⁷, А.С. Уралов²⁰ ва бошқаларни кўриш мумкин. Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистоннинг ландшафт архитектураси, манзаравий боғдорчилик, гулчилик, дендрология, ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш соҳасидаги илм-фан ривожини анча мустаҳкамланди, қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Бироқ, кўрсатиб ўтилган адабиётларда қишлоқ аҳоли пунктларининг ландшафт архитектурасига хос меъморий-композициявий ечимлар ишлаб чиқилмаган, улар алоҳида илмий иш сифатида тадқиқ қилинмаган, мазкур соҳага доир илмий-амалий тақлифлар берилмаган, устувор йўналишлар ва илғор анъаналар аниқланмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектураси ва дизайнини яратишнинг самарали йўллари шакллантириш” (2012-2014) мавзуси доирасида бажарилган.

¹² Артеменко В.В., Иконников А.В., Искрижицкий Г.И. Основы градостроительства и планировка сельских населенных мест. -М.: Высшая школа, 1982.

¹³ Виншу И.А. Архитектурно-планировочная организация сельских населенных пунктов. -М.: Стройиздат, 1986.

¹⁴ Грязева В.П., Киреева М.Ф. Цветоводство в сельской местности. -М.: 1999.

¹⁵ Гурулев О.К. Традиции и современность в архитектуре села. - М.: 1982.

¹⁶ Майков Г.П. Благоустройство и озеленение сел. - Л.: Стройиздат, 1983.

¹⁷ Кузьмичев И., Печеницын В. Озеленение городов и сел Узбекистана. -Т.: 1989.

¹⁸ Подольская О.Ч., Славкина Т.И. Декоративное садоводство. Озеленение населенных мест. -Т.: 1987.

¹⁹ Қайимов А.Қ. Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш. -Т.: 2013.

²⁰ Адилова Л.А., Уралов А.С., Ландшафт архитектураси. -Т.: 2014.

²¹ Алимов У. Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғчилик ҳўжалиги тарихи. -Т.: 1984.

²² Асқаров Ш.Д. Регион-пространство-город. -М.: 1988.

²³ Камилова Х.Х., Саттарова К.Д. Проектирование многофункционального парка. -Т.: 2007.

²⁴ Пугаченкова Г.А. Среднеазиатские сады и парки //Из художественной сокровищницы Среднего Востока. -Т.: 1987. -С.185-214.

²⁵ Рахимов К.Д. Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари. -Т.: 2016.

²⁶ Маматмусаев Т.Ш. Улугбек даврида боғсозлик санъати // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши №6, 2009.

²⁷ Юсупова М.А. Садово-парковые ансамбли Бухарского оазиса IX-начала XX вв.//Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. -Т.: 2016. 92-105 б.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш, уларда замонавий ландшафт архитектурасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор тамойилларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қишлоқ ландшафтлари архитектурасига қўйиладиган умумий шаҳар-созлик талаблари ва қишлоқ ландшафт архитектураси объектларининг типологиясини илмий аниқлаш;

қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш, уларда кўкаламзорлар тизимини яратиш;

қишлоқ ландшафтлари архитектурасида қўлланиладиган ўсимликларни танлаш ва яшил композицияларни яратиш усулларини такомиллаштириш;

маъмурий ҳамда жамоат бинолари, қишлоқ даволаш муассасалари, қишлоқ боғ-парклари, кўчалар ва хиёбонлар, қишлоқ агросаноат комплекслари ва хўжалик корхоналари ҳудудларини ландшафт ташкиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар бериш;

чўл, тоғ олди ва баланд тоғли ландшафт-иқлимий зоналаридаги қишлоқларда кўкаламзорлар ва ландшафт тизимини яратишнинг назарий моделларини ишлаб чиқиш;

қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг истиқболли устувор тамойилларини аниқлаш ва илмий шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон қишлоқлари, туман марказлари, шаҳар мавқеидаги посёлкалар ва улардаги ландшафт архитектурасининг объекtlари бўлиб, шундан 62 та объект Самарқанд вилоятидан танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқларда замонавий ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш, шакллантириш ва ривожлантиришнинг илғор йўналишлари ва тамойилларини ўрганиш, илмий аниқлаш ва уларни амалга оширишнинг комплекс чора-тадбирларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, қиёсий, интернет материаллари ва меъморий лойиҳаларни таҳлил қилиш, кузатув, тажриба-синов, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқларда ландшафт архитектурасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг тарихий-анъанавий, типологик, ландшафт-экологик, меъморий-режавий, композицион-ландшафт ечимлари ва меъморий-лойиҳалаш усуллари аниқланган;

қишлоқ ландшафт архитектураси объектларининг типологияси ишлаб чиқилган ва қишлоқ аҳоли пунктлари ландшафт архитектурасининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи комплекс омиллар аниқланган;

қишлоқ ландшафтлари архитектурасига мос келадиган дарахтлар, буталар, гулзорлар ва сунъий сув ҳавзалари ҳисобга олинган умумий шаҳарсозлик талаблари такомиллаштирилган;

қишлоқларни кўкаламлаштириш ва кўкаламзор муҳитларни яратишда “шаббода самараси” усулини қўллаш асослаб берилган;

турли хил табиий-иқлим ва географик шароитларда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштиришда манзаравий дарахтларни танлаш методикаси яратилган;

қишлоқдаги умумий фойдаланиш ва фойдаланиши чекланган кўкаламзорлар ҳудудларини шаҳарсозлик, меъморий–режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг назарий ва меъёрий-лойиҳавий мезонлари асослаб берилган;

Ўзбекистоннинг турли хил ландшафт-иқлим зоналари: чўл, тоғ олди ва тоғли қишлоқларида кўкаламзорлар ва ландшафт тизимини яратишнинг алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ ландшафтлари архитектурасига қўйиладиган умумий шаҳарсозлик талаблари такомиллаштирилган ва қишлоқ ландшафт архитектураси объектларининг типологияси аниқланган;

қишлоқ ландшафт архитектурасининг меъморий-режавий ва яшил композицияни шакллантириш услублари такомиллаштирилган;

маъмурий ва жамоат бинолари, қишлоқ ясли ва боғчалари, мактаблар ва коллежлар, қишлоқ даволаш муассасалари, қишлоқ боғ-парклари, кўчалар ва хиёбонлар ҳудудларини меъморий-ландшафт ташкиллаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

турли хил ландшафт-иқлим зоналари: чўл, тоғ олди ва тоғли қишлоқларида кўкаламзорлар ва ландшафт тизимини яратишнинг назарий моделлари ишлаб чиқилган;

қишлоқларда кўкаламзорлар тизимини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари ва вазифалари, ландшафт архитектурасини яратиш ва ривожлантиришнинг самарали йўллари аниқланиб, илмий шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, илмий натижалар муайян тадқиқот усуллари асосида аниқланганлиги ҳамда кўп сонли амалий лойиҳаларда ўз аксини топганлиги, республика ваколатли ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ландшафт архитектураси соҳасида билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга олий таълим муассасаларидаги “Архитектура”, “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” ва “Ландшафт дизайни” таълим йўналишларида “Ландшафт архитектураси” ва “Ландшафт лойиҳалаш” фанларидан ўқув адабиётларини тайёрлашда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини меъморий-ландшафт ташкиллаштиришдаги ландшафт архитектураси лойиҳа ечимларининг сифатини оширади ва ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислар касбий савиясини оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон қишлоқ ландшафтлари архитектурасининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини ёритишда Ф.1-86 “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш” (2011-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг “Шаҳарсозликнинг замонавий ривожланиш тамойиллари” ва “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятлари ва самарали ривожлантириш тамойиллари” деб номланган бўлимларини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 12 октябрдаги ФТА 02-11/861-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши қишлоқ ландшафт архитектурасининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни очиб бериш имконини берган;

қишлоқ ландшафт архитектурасини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган график-албом шаклидаги илмий-амалий ва лойиҳавий таклифлар амалиётга тадбиқ қилинган (Республика “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтининг 2017 йил 16 октябрдаги 1313/18-сон далолатномаси). Мазкур таклифларнинг қўлланиши қишлоқ ландшафт архитектурасини шакллантиришнинг самарали йўллари амалий лойиҳаларда қўллаш имконини яратган;

қишлоқ ландшафтлари архитектурасини яратишнинг самарали йўллари шакллантириш бўйича илмий-амалий таклифлар ва тавсияномалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди (Самарқанд вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2017 йил 27 сентябрдаги 01-911-сонли далолатномаси). Мазкур тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши натижасида Самарқанд вилояти қишлоқларида ландшафт архитектура ечимларининг сифати ва ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий савияси сезиларли даражада ошган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та илмий монография ҳаммуаллифликда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иллюстрация ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 132 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасининг шаклланиш жараёни”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон қишлоқлари ҳақидаги умумий маълумотлар, Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектураси ва боғдорчиликнинг шаклланиш тарихи, қишлоқларнинг собиқ иттифоқ даври ва мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси тажрибалари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда Республикада жами 11 минг 794 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд бўлиб, улар аҳолисининг сонига кўра 4 та гуруҳга тоифаланган, яъни кичик (аҳолиси 100 дан 1000 кишигача), ўрта (аҳолиси 1000 дан 3000 кишигача), катта (аҳолиси 3000 дан 5000 кишигача) ва йирик (аҳолиси 5000 дан ортиқ) аҳоли пунктларига бўлинган.

Кичик қишлоқлар республикада 5856 тани ёки барча қишлоқлар сонининг 50%ини, ўрта қишлоқлар – 4511 тани ёки 38%ини, катта қишлоқлар сони 105 тани ёки 9%ини, йирик қишлоқлар эса 375 тани ёки 3%ини ташкил қилади.

Ўзбекистон аҳолиси 2009 йил 1 январь ҳолати бўйича 27 миллион 598 минг 100 киши бўлган бўлса, шундан қишлоқларда яшовчи аҳоли сони 2009 йилда 64.7 % ни, шаҳарларда яшовчилар эса 35,3% ни ташкил қилган. Ҳозирда Республика аҳолиси 33 миллионга яқин. Бироқ, қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг ўзаро нисбати қишлоқлар фойдасига ошган бўлса ошган, лекин камаймаган. Чунки “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” бўйича қабул қилинган Давлат дастурлари ва унда режалаштирилган вазифалар нафақат ҳозирда, балки келажакда ҳам долзарбдир.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалар билан таъминланганлик ҳолати эса қуйидаги аҳволда:

бош режаси мавжуд бўлган қишлоқлар сони 467 тани (бу 4%ни) ташкил қилади;

бош режаси мавжуд бўлмаган қишлоқлар 7345 тани (яъни 62%ни);

бош режаси қайта ишлаб чиқилиши зарур қишлоқлар 3982 тани, яъни Республикадаги жами қишлоқларнинг 34% ни ташкил қилади.

Бу кўрсаткичлар республикада қишлоқларида нафақат ландшафт архитектураси даражасининг пастлигини, балки ҳозиргача ушбу қишлоқларнинг бош режалар билан таъминланиш ҳолатининг ҳам пастлигини билдиради. Бу ҳолат ушбу қишлоқларда ландшафт архитектурасига доир

меъёрий лойихавий талабларнинг эътиборга олинмаётганлигини ва уларнинг ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон қишлоқларининг Собиқ Иттифоқ давридаги ландшафт архитектураси. Ўрта Осиё республикаларида Собиқ Иттифоқ давридаги қишлоқларни қайта қуриш давлат сиёсатининг энг муҳим кўрсаткичи бу—хутор ва овуллар типдаги тарқоқ ва майда қишлоқларни йўқотиш ва уларнинг ўрнига йирикроқ обод қишлоқларни яратишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш эди.

Иккинчи масала—бу қишлоқ қурилиш амалиётини тартибга солиш бўлди. 1978 йилда “Қишлоқларда кадрлар муқимлиги ва хусусий уй—жойлар қурилишини ривожлантириш истиқболлари ҳақида”ги қарор қабул қилинди. Қишлоқ хусусий ҳовлили уйлариининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича танловлар эълон қилинди. Хусусий уйларни ушбу тасдиқланган лойиҳалар асосида қуриш амалга оширилди. Шу муносабат билан 1984 йили республикада аҳоли маблағи ҳисобига якка тартибда уй—жой қуришнинг қулай шакли вужудга келди.

Собиқ Иттифоқ даври қишлоқларида уй—жой ва қишлоқ қурилишининг кейинги муҳим йўналиши—бу собиқ совхоз ва колхоз қурилиши бўлди. Бунда бош қурилишни намунавий лойиҳалар эгаллади. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги уй—жойларини хусусий тарзда лойиҳасиз қурадди. Бундай усулда қурилган уйлар бутун республика қишлоқ уйлари қурилиши ҳажмининг 50 % дан зиёдини ташкил қилган эди.

Бу ҳолат қишлоқ қурилишидаги кейинги босқичга ўтишни, яъни давлат сиёсатининг ўзгариши зарурлигини тақозо этди ва, натижада, Ўзбекистонда қатор қишлоқлар: Мирзачўл, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоятларда қишлоқлар яхлит режа асосидаги экспериментал намунавий қишлоқлар бир ва икки қаватли қилиб комплекс тарзда қурила бошланди. Экспериментал қишлоқлар қурилиш ҳажми, айниқса 70-йилларга келиб кенгайди. Бу даврда Ўрта Осиёда 20 та хўжаликда ана шундай намунавий экспериментал қишлоқ посёлкалари қурилди. Бироқ, уларнинг сони республикада кўпи билан 10 тадан ошмаган эди.

Ўзбекистон қишлоқларининг мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси. Мамлакатимизда 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади”, деган эзгу ғояни ўзида ифода этган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг изчиллик билан ҳаётга жорий қилиниши бу соҳада янги даврни бошлаб берди.

Мазкур дастурга биноан қишлоқ аҳолиси ҳаётининг сифатини янада яхшилаш мақсадида қишлоқларимизнинг архитектура, шаҳарсозлик ва ландшафт нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй—жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларининг комплекс қурилишини ташкиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида нафақат шаҳарлар, балки туман марказлари ва қишлоқлар ландшафт архитектурасида муҳитни манзаравий ёруғлантириш мақсадида “нур архитектураси”нинг янги технологияларини қўллаш (нур тарқатувчи бордюрлар, гирляндлар, сунъий буталар, нур чиқарувчи соябонлар, ландшафт архитектураси объектлари худудининг тўшамаларида қўлланган нурланувчи плиткалар, соҳиллар ва тиргак деворлар тизимидаги “нур таратувчи геопластика”), турлича манзарали ёрқин ранглارни қўллаш, буларнинг барчаси қишлоқ ва туман шаҳарчалари ландшафт дизайнига янги-ча оҳанг ва тус киритувчи йўналиш тарзида шаклланимда.

Диссертациянинг **“Қишлоқ кўкаламзорлари тизими ва уни лойиҳалашнинг асосий тамойиллари”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ ландшафт архитектураси объектларининг типологияси, умумий шаҳарсозлик талаблари, ўсимликлар ва уларнинг бадиий-манзаравий хусусиятлари, ўсимликларнинг ўсиш имкониятлари бўйича Ўзбекистон худудининг зона ва туманларга бўлиниши, ўсимликларни танлаш тамойиллари, қишлоқ кўкаламзорлари тизими ва уларни лойиҳалашнинг асосий тамойиллари ва вазифалари таҳлил қилинган.

Илму фанда қишлоқ ландшафт архитектураси объектларининг типологияси шу вақтгача ишлаб чиқилмаган. Диссертацияда ушбу масала таҳлил қилиниб, қишлоқ ландшафтлари объектларининг типологияси яратилган. Мазкур бобда қишлоқ ландшафт архитектурасига қўйиладиган умумий шаҳарсозлик талабларини шакллантириш масаласига кенг тўхтаб ўтилган. Бунинг учун диссертацияда қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий шаҳарсозлик ва ландшафт шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар комплексининг модели ишлаб чиқилди. Ушбу омилларга табиий ва иқлимий омиллар, ижтимоий ва этнографик омиллар ҳамда иқтисодий ва ижодий омиллар киргизилган.

Ушбу масалаларни ва замонавий қишлоқлар шаҳарсозлик ечимларини ўрганиш асосида *диссертацияда қишлоқ ландшафт архитектурасига қўйиладиган умумий шаҳарсозлик талаблари* такомиллаштирилди.

Мазкур бобда *дарахт ва буталарнинг табиий биологик хусусиятлари*га тўхтаб ўтилган ва қишлоқларни ландшафт ташкил этишда ва кўкаламзорлаштиришда уларни эътиборга олиш зарурлиги асослаб берилган. Бундай хусусиятларга уларнинг баландлиги, ташқи кўриниши, шакли ва ранги, шох-шаббаларининг тигизлиги, гуллаш даври, гулларининг ранги, сувсизликка чидамлилиги, яшовчанлик даври каби белгилари киради.

Ландшафт архитектурасининг энг асосий қисмларидан ҳисобланган дарахтсимон ўсимликларни республикамизга хос табиий-географик ва тупроқ шароитларида ўстириш бўйича Ўзбекистон худудининг зона ва туманларга бўлиниши таҳлил қилинган. Унга кўра, Ўзбекистон худуди 3 та табиий географик зоналарга: шимолий, шарқий ва жанубий зоналарга бўлиб чиқилган. Ушбу зоналар ўз навбатида минтақавий географик ва маъмурий туманларга бўлинган.

Тадқиқотда қишлоқ кўкаламзорлари тизимини шакллантиришнинг 3 хил шаҳарсозлик усули кўрсатиб берилган. Уларнинг таркибига: а) қишлоқ кўкаламзорлар тизимининг марказлашган жойлашуви; б) кўкаламзорлар тизимининг қишлоқ атрофи бўйлаб жойлашуви ва в) қишлоқ кўкаламзорлар тизимининг тенг тақсимланиб жойлашув усуллари киради.

Диссертацияда илк бор “*шаббода самараси*” усули қишлоқ ландшафт архитектурасига тадқиқ қилиниб, ундан ландшафт архитекторларига очик ва ёпиқ яшил муҳитлар тизимини амалий ташкиллаштириш ва лойиҳалаш ишларида фойдаланиш тавсия қилинган.

Диссертациянинг “**Қишлоқ ҳудудларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштириш омиллари**” деб номланган учинчи бобида қишлоқ ландшафт архитектураси объектлари ҳудудларини меъморий-режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг асосий тамойиллари таҳлил қилинган ва мазкур масалалар ечимига доир таклифлар берилган.

Мазкур бобда *қишлоқ турар жой ҳовлиларининг ландшафт архитектурасига* тўхталиб ўтилган. Ҳовли ҳудуди, одатда, тўртта: 1) Уй ва яшаш ҳовлиси зонаси; 2) Полиз экинлари зонаси; 3) Мевали боғ зонаси; 4) Хўжалик ва маиший иморатлар зонасига бўлинади. Ҳовли майдонини зоналарга тақсимлашда 1–зонага 20–25 %, 2–зонага 25–30 %, 3–зонага 30–40 % ва 4–зонага 15–20 % жой ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқда кўп болали оилалар яшашини эътиборга олиб ҳовли ичида уйга яқин жойдан болалар учун махсус майдонча ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жой болаларнинг ёз кунлари кундуз, айниқса, кечқурунлари ҳовлида очик ҳавода яйраб ўйнашлари учун қулайлик туғдиради. Болалар майдончасининг усти енгил ёпилиши, ёнлари эса очик бўлиши мумкин. Майдонча жанубий–ғарбий ва ғарб томондан соя берувчи манзарали дарахт ва буталар билан тўсилиши лозим.

Қишлоқ кўчалари ва хиебонларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари. Кўчаларни, асосан, ташқи кўринишидан тўғри шаклларга эга бўлган баланд ўсувчи довдарахтлар (липа, тополь, клен, ясень ва бошқалар) билан кўкаламзорлаштириш тавсия этилади.

Кўчаларнинг уфқ томонларига нисбатан жойлашишига қараб кенгликлар йўналишидаги (ўқи ғарбдан шарққа), меридионал йўналишдаги (ўқи шимолдан жанубга) ва диагонал йўналишлардаги (ўқи шимолий–ғарбдан жанубий–шарққа ёки шимолий–шарқдан жанубий–ғарбга қараб) жойлашган кўчаларга бўлинади.

Кенгликлар йўналишидаги кўчаларнинг жануб томонидаги уйларнинг бош тарзига қуёш нури тушмайди ва сояга мухтож эмас. Меридионал йўналишдаги кўчаларда вазият бошқача. Бундай кўчаларнинг ҳар иккала томонидаги тротуарлар ва бинолар ҳам қуёш нуридан ҳимояланишга мухтожлик сезади.

Диагонал йўналишли кўчаларнинг жанубий–ғарбга ёки жанубий–шарққа қараган бинолари ва тротуарларини ҳам офтобдан ҳимоялаш зарур. Айниқса ўқи билан шимолий–шарқдан жанубий–ғарбга қараган кўчаларда

аҳвол янада оғир бўлиб, тушдан кейин бу кўчалар тротуарларини икки ёклама қаторлаб дарахтлар экиш йўли билангина жазирама қуёш нуридан сақлаб қолиш мумкин.

Маъмурий ва жамоат бинолари, қишлоқ фуқаролар йиғини маркази ҳудудларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари. Маъмурий ва жамоат бинолари олдиларида, одатда, бош тарзлари томонидан кенг очик яшил муҳит–партерли сайргоҳ (сквер) шакллантириш тавсия этилади. Агар бунинг учун етарлича майдон бўлмаса бош тарз ва бинога кириш йўлаклари олдида манзарали гулзор шакллантирилади. Унинг ечими турлича: партер усулида ёки клумба кўринишдаги гулзор бўлиши мумкин.

Агар бино қирликда, атроф муҳитдан тепароқ жойда қурилган бўлса, унинг олд қисмига табиий тошлар ва ўсимликлар билан безатилган рокарий ёки тиргак деворларларни шакллантириш, зинапоялар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Агар бино унга ажратилган ҳудуднинг қуйи қисмида, яъни қизил чизиқдан анча ичкарида жойлашган бўлса, бино тарзи ва тротуар орасидаги кенг майдонга майсазор устида 3–5 та дарахтдан гуруҳ композицияси, чиройли гулловчи буталар ва кўп йиллик гуллар экилади. Бу муҳитда бирорта декоратив бассейн ёки фаввора бўлишлиги унга яна ҳам самара беради, муҳитда ёқимли микроиклим яратади. Жамоат биноларини кўкаламзорлаштиришнинг самарали услубларидан бири–тик кўкаламзорлаштиришдир. Тирмашиб ўсувчи лианлар тик тиргаклар ёки деворлар бўйлаб кўкка интилиб, биноларга мафтункор манзара бериши мумкин.

Қишлоқ ясли ва боғчаларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари. Болалар боғчаларининг ҳудуди функциясига кўра, болалар зонаси, гуруҳлар майдонлари, спорт майдончалари зонаси, хўжалик ва манзарали кўкаламлар зонасига бўлинади. Болалар боғчалари муассасаларининг ҳудудларини атрофидаги кўча ва ҳудудлардан қаторлаб тўғиз экилган, эни 5–6 метр бўлган дарахт ва буталар билан ажратиш керак. Бу боғча ҳудудини ташқи шовқин ва чанг тўзонлардан сақлаш имконини беради ва ташқи муҳитдан ҳолилаштиради.

Қишлоқлар мактаблари ва коллежлари ҳудудларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари. Мактаб ҳудудларини тўғри ва қулай функционал зоналарга бўлиб ташкиллаштириш ландшафт ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда муҳим санитария–гигиеник ва ўқув–тарбиявий аҳамиятга эгадир. Айнан шу мақсадда мактаб ҳудудининг ярмидан кўп қисми (55–60 %) кўкаламзорлаштирилиши зарур. Танланадиган ўсимликлар ассортиментини нафақат манзаравий эстетик ва биологик талабларга, балки турли хил дарахт ва буталардан ҳамда ўқувчиларга Ўзбекистон флорасини таништириш имкониятларига ҳам эга бўлиши керак.

Қишлоқ даволаш муассасалари ҳудудининг меъморий режавий ва ландшафт ечимлари. Даволаш муассасаларининг ҳудудларини кўкаламзорлаштириш даволанувчиларнинг соғлигини тиклашни ва дам олишини ҳамда атрофдаги кўчалардан келаётган транспорт шовқини ва чанг–тўзонлардан сақлашни ва ажратишни таъминлаши зарур. Шифохоналар эгаллаб турган

худуднинг 70-80 % кўкаламлаштирилиши, кўкаламзорларнинг деярли барча қисмларида соя-салқин таъминланиши зарур. Кўкаламзор ҳудудлар очик ва ёпиқ яшил майдонлар тизимини яратиши керак.

Авваламбор, шифохона худудининг чегараси бўйлаб ҳимоя мақсадида 2–3 қатор кенг ва тигиз шохли дарахтлардан тузилган яшил тасма шакллантирилиши керак. Яшил тасманинг ички тарафидан унга ёнма-ён қилиб баланд тигиз ўсувчи буталар экилиши керакки, улар худудни ҳимоялаши билан бирга ички муҳит манзарасини яхшилади. Шифохоналарда беморларда аллергия кўзғатувчи ўсимликларни экиш ман этилади (масалан, тол ва лешиналарнинг аёл навлари).

Қишлоқ боғ–паркларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари. Қишлоқ парклари, одатда, шаҳар ёки шаҳарча мақомини олган қишлоқ туман марказлари ёки ҚФЙ маркази жойлашган қишлоқ худудида жойлашиб, бирор нуфузли жамоат биноси ёнидаги ёки алоҳида худуддаги манзарали жойни эгаллайди. Қишлоқ паркларига агар аҳоли сони 5 минггача бўлса 2 гектардан кам бўлмаган, аҳоли сони 5 мингдан ошса 7 гектаргача бўлган майдон ажратилиши аниқланган. Парк худудининг умумий кўлаמידан яшил майдонлар 65-75% ни, парк майдонлари ва майдончалари 8-16% ни, хиёбон ва йўлаклар 12-18%ни эгаллаши, парк иморатлари эгаллаган худуд эса 5% дан ошмаслиги зарур.

Диссертациянинг **“Қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ва устувор тамойиллар”** деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектурасини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар, илмий-амалий таклифлар ва самарали йўллари ишлаб чиқилиб, улар илмий шакллантирилган.

Қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантиришга қаратилган *маъмурий–ташкилий чора–тадбирлар* бўйича қуйидагилар таклиф қилинган:

вилоятларда ландшафт архитекторлари ва дизайнерларининг ижодий уюшмасини тузиш ва бу соҳада қўлга киритилган ютуқ ва тажрибаларни кенг халқ оммасига тарғибот қилиш;

вилоятлар ва туман ҳокимликлари ташаббуслари билан қишлоқларда “Обод маҳалла”, “Энг обод қишлоқ”, “Тул сайллари”, “Обод ҳовли”, “Обод қишлоқ маркази” каби номинацияларда очик муҳитлар ландшафти ва ободончилик ишларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни қишлоқ ҳаётига жорий қилиб, бу тадбирларни уюшқоқлик билан ташкиллаштириш ва ўтказиш;

қишлоқларимизнинг ландшафт архитектураси ва дизайни, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини яхшилаш мақсадида бундан буён нафақат меъморий лойиҳалар, балки бу соҳага қаратилган махсус дендролойиҳалар ҳам ишланиши, ландшафт архитектураси ва дизайнини эса ушбу лойиҳалар асосида амалга оширишни йўлга қўйиш;

ландшафт архитектураси ва қишлоқ муҳити дизайни соҳасида амалга оширилган энг яхши ишлар, бажарилган лойиҳалар, илмий тадқиқотлар ва адабиётлар кўрик танловларини ўтказиб туриш.

Ландшафт архитектурасининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича қуйидагиларни таклиф қилинади:

ҳар бир туманга кўкаламзорлаштириш мавсумлари учун янги кўчат навларини етарли миқдорда ва сифатли етиштириб бериш мақсадида туманлараро ўрмон хўжаликларини ташкил қилиш, бундай хўжаликларни иқтисодий таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

худудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича оммавий халқ ҳашарлари, қишлоқлар очик муҳитларини ободонлаштириш ойлари уюшқоқ ҳолда ўтказиш, бунинг учун ҳомийлар фондиди ташкил қилиш;

қишлоқ аҳоли пунктларида оранжереялар, кўчатлар иссиқхонаси ва ландшафт павильонларини ташкил этувчи тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар бериш.

Қишлоқ ландшафт архитектураси меъёрий ҳужжатлари ва лойиҳавий тизимига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар:

қишлоқ худудининг кўкаламзорлари тизи-мини ишлаб чиқиш. Унда умумий фойдаланишга, фойдаланиши чекланган ва махсус мақсадларга мўлжалланган кўкаламзорларни алоҳида шартли белги-лар билан кўрсатиш;

қишлоқнинг ҚМРТ лойиҳасида талаб қилинган бош режа асосида батафсил режалаштириш лойиҳаси (БРЛ)ни тузиб чиқиш;

ўзгартирилган ва ландшафти функционал қайта қурилган парк худуди элементларининг фрагментларини кўрсатиш. Ландшафтни функционал қайта қуриш – бу мавжуд парк ландшафтини янги функцияларга мослаштиришга йўналтирилган комплекс изланишлар, лойиҳа ва ишлаб чиқариш ишларини бажариш ва амалга оширишни кўзда тутиши керак;

қишлоқ паркларини янги функцияларга мослаштириш деганда парклар ландшафти композициясига Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғ-парк санъатига хос бўлган, анъанавий “Чорбоғ”, “Чорчаман” усулларини, замонавий “Хотира ва қадрият майдонини”, “Миллий фольклор”, “Маънавият хиёбони” ҳамда “Ҳунармандлар устахонаси ва дўкони”, “Ландшафт павильони” каби инновацион функциялар ва композицияларни киритишни таклиф қилинади.

Диссертацияда ландшафт архитектураси бўйича қишлоқ малакавий таълим тизимини ривожлантириш учун Ўзбекистонда қишлоқ архитекторлари, дендрологлар, ўрмон хўжаликлари, очик меъморий худуд ва ландшафт дизайнерлари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашга ўтишни; вилоятлар туман марказларининг ўрта махсус таълим муассасалари тизимида ландшафт архитектураси, дендрология, гулчилик ва ландшафт дизайни бўлимларини очиш ва уларни истикболда алоҳида фаолият кўрсатувчи касб-ҳунар муассасаларига айлантириш таклиф қилинган.

